

5-27-2019

NATIONAL RESPONSIBILITY IN THE TURKISH TRANSLATION OF THE NOVEL “DAYS GONE BY”

Xamidov Xayrulla
x.xamidov@mail.ru

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud

 Part of the [East Asian Languages and Societies Commons](#)

Recommended Citation

Xayrulla, Xamidov (2019) "NATIONAL RESPONSIBILITY IN THE TURKISH TRANSLATION OF THE NOVEL “DAYS GONE BY”," *Oriental studies*: Vol. 1 : Iss. 2 , Article 14.
Available at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud/vol1/iss2/14

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Oriental studies* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.



ТАРЖИМАШҲУНОСЛИК

“ЎТКАН КУНЛАР” РОМАНИНИНГ ТУРКЧА ТАРЖИМАСИДА МИЛЛИЙЛИКНИНГ АКС ЭТИШИ

ҲАМИДОВ ХАЙРУЛЛА

PhD, ТДШИ

Аннотация. Абдулла Қодирийнинг салкам бир асрдан бери маҳаллий ва хорижлик ўзбек адабиёти ихлосмандлари эътиборини тортиб келаётган асарлари дунёнинг ўнлаб тилларига, жумладан, турк тилига ҳам ўғирилган. Ушбу мақолада адибнинг “Ўткан кунлар” (“Ötgen Künler (Geçmiş Günler)”) романининг туркча матни таҳлилга тортилиб, ундаги чуқур миллийликнинг таржимада қай даражада акс эттирилгани хусусида сўз юритилади. Қиёс нуқтаи назаридан айрим ўринларда русча таржимасига ҳам мурожаат қилинади. Турк таржимонининг аслият тилидаги сўзларнинг маъно нозикликлари, халқнинг маданияти, миллий ўзига хосликларини қанчалик илганлигига баҳо берилади. Илгари сурилган таклиф ва мулоҳазалар, чиқарилган хулосаларда роман таржимасининг ютуқли жиҳатлари билан бир қаторда айрим мунозарали жиҳатлари ҳам алоҳида таъкидланади.

Маълумки, асарнинг миллий ўзгачалигини намоён этувчи унсурларнинг бадиий таржимада берилиши билан боғлиқ муаммолар талайгина. Ўзбек реалиялари галереяси деб аташи мумкин бўлган “Ўткан кунлар”ни ўғиришда таржимон муаллифга тенг қобилият ва истеъдодга эга бўлиши керак эди. Аммо бунга эришиши осон кечмайди. Буни, асосан, тилнинг миллийликни ўзида мужассам этган лугат таркиби – ўзбек халқининг моддий-ижтимоий ҳаёти, миллий урф-одат ва анъаналари, маънавияти, дунёқарашини акс эттирган хос сўзлар таржимаси мисолида яққол кўриши мумкин. Чунки хос сўз (реалия)ларни қайта яратиши таржимондан алоҳида ёндашувни талаб этади. Уларни асардаги мингларча сўз орасидан алоҳида ажратиб олиши ва оддий йўл билан бошқа тилга ўғириши мумкин эмас. Шунга қарамай, ўзбек ва турк тилларининг айни тил оиласига мансублиги, кўпчилик хос сўзларнинг келиб чиқиши нуқтаи назаридан иккала тилда бир хил шаклга эга бўлиши асарни ўғиришда ижодкор учун қулайлик туғдирганлиги рост. Бироқ, шунга қарамай, турк таржимони бундай сўзларнинг сохта эквивалент бўлиб чиқмаслигига алоҳида эътибор бериши, сўзларнинг этимологиясини чуқур ўрганиши лозим эди. Мақолада қўйилган масаланинг ана шу жиҳатига урғу берилади.

Таянч сўз ва иборалар: бадиий таржима, таржимон, реалия, Абдулла Қодирий, “Ўткан кунлар” романи, ўзбек тили, турк тили, қаҳрамон, образ.

Аннотация. Произведения Абдуллы Кадыри, которые в течение почти ста лет привлекают внимание местных и зарубежных читателей, интересующихся узбекской литературой, переведены на десятки языков мира, в том числе и на турецкий язык. В данной статье проанализирован перевод на турецкий язык романа «Минувшие дни» («Ўткан кунлар» – «Ötgen Künler (Geçmiş Günler)»). В ней речь идет о степени воссоздания национального своеобразия оригинала в переводе. С точки зрения сравнения автор в ходе работы также обращается к русскому переводу романа «Минувшие дни». В статье автор даёт свою оценку работе турецкого переводчика, который должен был глубоко понять тонкости смысла каждого слова оригинала, культуру и национальную самобытность узбекского народа. Выдвинутые предложения и выводы, сделанные в ходе исследования автор показывает не только достижения переводчика, но и указывает на некоторые спорные моменты в переводе романа выдающегося узбекского писателя.

Как известно, в переводе очень много вопросов, связанных с передачей элементов, отражающих национальное своеобразие оригинала в художественном переводе. При переводе романа «Минувшие дни», который можно с уверенностью назвать галереей узбекских реалий,



создатель должен был обладать тем же талантом и способностями, что и автор. Однако достигнуть это задача не из легких. Это можно увидеть в примере переводов национальных реалий, которые отражают национальную самобытность, культуру и социальную жизнь, традиции и обычаи, духовность и мировоззрение узбекского народа. Ведь, перевод реалий требует от переводчика особого подхода. Выделить такие слова среди тысяч слов и просто перевести на другой язык невозможно. Тем не менее, тот факт, что узбекский и турецкий языки принадлежат к одной языковой семье, и что многие слова имеют одинаковую форму и значение в обоих языках, позволили переводчику без труда переводить текст. Однако, несмотря на это, турецкий переводчик должен был обратить особое внимание на тот факт, что такие слова не были ложными эквивалентами, и должен был глубоко изучить этимологию таких слов. В данной статье особо подчеркивается и этот аспект поставленного вопроса.

Опорные слова и выражения: художественный перевод, переводчик, реалия, Абдулла Кадыри, роман «Минувшие дни», узбекский язык, турецкий язык, герой, образ.

Abstract. The works of Abdullah Kadiri, who have attracted the attention of local and foreign readers interested in Uzbek literature for nearly hundred years, have been translated into dozens of world languages, including Turkish. This article analyzes the Turkish translation of the novel “Days gone by” (“O‘tkan Kunlar” – “Ötgen Künler (Geçmiş Günler)”). It deals with the degree of recreation of the national identity of the original in translation. From the point of view of comparison, the author also turns to the Russian translation of the novel “Days gone by”. In the article, the author gives his assessment of the work of the Turkish translator, who had to deeply understand the subtleties of the meaning of each word of the original, the culture and national identity of the Uzbek people. The author’s proposals and conclusions made during the study show not only the achievements of the translator, but also indicate some controversial points in the translation of the novel by an outstanding Uzbek writer.

As it is known, in translation studies there are a lot of questions related to the transfer of elements reflecting the national identity of the original in literary translation. When translating the novel “Days gone by”, which can be called with confidence the gallery of Uzbek national specific words, the translator should have the same talent and abilities as the author. However, its achieving is not an easy task. This can be seen in the example of translations of national specifications that reflect the national identity, culture and social life, traditions and customs, spirituality and worldview of the Uzbek people. After all, the translation of national specific words requires a special approach from the translator. It is impossible to single out such words among thousands of words and simply translate into another language. However, the fact that the Uzbek and Turkish languages belong to the same language family, and that many words have the same form and meaning in both languages, allowed the translator to translate the text without difficulty. However, despite this, the Turkish translator had to pay special attention to the fact that such words were not false equivalents, and had to study in depth the etymology of such words. This article emphasizes this aspect of the question.

Keywords and expressions: artistic translation, translator, reality, Abdullah Kadiri, the novel “Days gone by”, the Uzbek language, the Turkish language, hero, image.

Кириш. XX аср ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси, таниқли адиб Абдулла Қодирийнинг асарлари салкам юз йилдан бери нафақат ўзбек китобхонлари, балки дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги ўзбек адабиёти ихлосмандларининг ҳам эътиборини тортиб келади. Бунда адиб асарлари таржималарининг савияси, таржимонлар маҳорати, аслият ва таржима тилини билиш даражаси муҳим омил ҳисобланади. Буни

адиб асарлари таржималари таҳлил этилган илмий ишлардан ҳам англаб олиш мумкин.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида хорижда, жумладан, Туркияда ҳам ўзбек адабиётига қизиқиш янада кучайди. Ўзбек адабиёти намояндаларининг асарлари таржима қилиниб, турк китобхонларига армуғон этилди. Жумладан, А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, Ойбекнинг “Навой” романлари, А. Қаҳҳор хикоялари, П. Қодировнинг “Юл-



дузли тунлар”, О. Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, “Кўхна дунё” романлари, “Адолат манзили” қиссаси ва ҳикоялари, Х. Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб”, Ў. Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссалари, С. Аҳмад ҳикоялари, М. Юсуф шеърлари ва достонлари, турк тилига ўгирилиб, китобхонларга тортиқ қилинди. Булар орасида А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар”¹ (“Ötgen Künler (Geçmiş Günler)”²), О. Ёқубовнинг “Адолат манзили”³ (“Adalet Menzili”⁴), Ў. Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари”⁵ (“Dünyanın İşleri”⁶) асарлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Сўнгги йилларда туркча бадиий асарлари ўзбек тилига таржима қилиш ишлари янада жадаллашди. Бунда ўзбек таржимонларининг ҳиссаси катта. Бироқ, ўзбек адабиёти намуналарининг туркча таржимаси хусусида бундай дейиш қийин. Нашр этилган таржималардаги камчилик ва нуқсонларга келинса, айрим таржимонларнинг бадиий таржимага жиддий ижод деб эмас, зарурият деб қарагани аён бўлади. Чунки айрим таржимонлар китобхонларни ўзбек ёзувчиларининг асарлари билан таништиришни асосий мақсад қилиб, таржималарнинг сифати, миллийликнинг таржимада сақланиши масаласини кейинги ўринга қўйган кўринадилар. Бунинг асосий сабаби турк таржимонларининг аслият тилидаги сўзларнинг маъно нозикликлари, халқнинг маданияти, миллий ўзига хосликлари, урф-одатларини чуқур билмасликларидир. Бу тўғрида тадқиқотчилар ўз фикрларини баён

этишган ва илмий мунозаралар давом этмокда. Ана шу масалани ёритиш мақсадида тайёрланган мазкур тадқиқотда илгари сурилган таклиф ва мулоҳазалар, назарий хулосалар ўзбек адабиёти намуналарининг турк тилига таржимаси таҳлилларига асосланади.

“Ўткан кунлар” романининг туркча таржимаси хусусида. Ушбу тадқиқотда Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг 1958 йилдаги нашри⁷ ва 2012 йилда лотин алифбосидаги янги қайта нашри⁸ ҳамда асарнинг 1958 йилда Л. Бать и В. Смирновалар томонидан рус тилига ағдарилиб, нашр қилинган илк таржимаси⁹, 2009 йилда Мухаммаднодир Сафаров томонидан қайтадан рус тилига таржима қилиниб, 2012 йилда нашр этилган янги таржимаси¹⁰, 2005 йилда турк тилига ўгирилиб, Истанбулда нашр этилган таржимаси¹¹ кўриб чиқилди.

Миллий адабиётларнинг бебаҳо бойлигига айланган “Ўткан кунлар” романи таржималарининг ютуқли жиҳатларини санаб адоғига етиш қийин. Аммо биз ушбу мақолада асарнинг турк тилига таниқли ижодкор Аҳсан Батур томонидан амалга оширилган таржимаси ва унинг айрим мунозарали жиҳатларига эътибор қаратамиз.

Роман турк тилида нашр этилгандан сўнг тадқиқотчилар роман ҳақида ўз фикрларини бирин-кетин билдира бошладилар. Масалан, “Турк сўли” (Türk Solu, sayı: 261.30.11.2009)

¹ Qodiriy A., O‘tkan kunlar, roman, “Sharq” Nashriyotmatbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati. – T.: 2012. – 384 b.

² Kadiri A., Ötgen Künler (Geçmiş Günler), Roman, Türkiye Türkçesi D. Ahsen Batur, Selenge Yayınları. – İstanbul, 2005. – 403 s.

³ Ёқубов Одил, Адолат манзили, роман. – Т., 1996. – 168 б.

⁴ Yakuboğlu Adil, Adalet Menzili, Türkçesi D. Ahsen Batur, Selenge Yayınları. – İstanbul, 2005. – 213 s.

⁵ Hoshimov O‘., “Dunyoning ishlari” – T., 2005. – 208 b.

⁶ Haşimov Ötkir, Dünyanın İşleri, Türkiye Türkçesine Çeviren: Mahir Ünlü, Bilgeoğuz Yayınevi. – İstanbul, Mart, 2014.

⁷ Қодирий А. Ўткан кунлар, С.Азимов таҳрири остида (Сўзбоши И.Султонники) – Тошкент: Ўздавнашр, 1958, -378 бет.

⁸ Qodiriy A., O‘tkan kunlar, roman, “Sharq” Nashriyotmatbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati. – T., 2012. – 384 b.

⁹ Кадыри А., Минувшие дни, роман / Пер. с узб. Л.Бать и В.Смирновой / под ред. С.Евгенова. Пер. на русский яз. Сверен изд. узб. Текста Р.Камиловым. Ташкент: Гос. Изд-во худ. Лит., 1958. – 373 с.

¹⁰ Кадыри А., Минувшие дни, роман / Пер. с узб. Мухаммаднодира Сафарова, Главная редакция издательско-полиграфической акционерной компании “Sharq”, Ташкент, 2009. 432 с.

¹¹ Kadiri A., Ötgen Künler (Geçmiş Günler), Roman, Türkiye Türkçesi D. Ahsen Batur, Selenge Yayınları. – İstanbul, 2005. – 403 s.



деб номланган нашрда “Ўткан кунлар ва Абдулла Қодирий” (“Geçmiş Günler” romanı ve Abdullah Kadiri”¹) номли мақола чоп этилди. Унда муаллиф “Роман (“Ўткан кунлар” – Х.Х) модерн даврнинг бир севги достонидир. Унда ишқ-муҳаббат билан бир қаторда оила муносабатлари, оила тазйиқлари, кундошлик муаммоси, эркак билан аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги, рашк каби энг долзарб маиший ва ижтимоий мавзуларга замонавий нуқтаи назар билдирилади”² – деб ёзади ва “Ўткан кунлар”нинг собиқ иттифоқ давридаги нашрларига айрим нарсалар кирмай қолганлиги ва балки ўша сўзлари учун адиб қатл қилинган бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Мақола муаллифи яна шундай ёзади: “Ўткан кунлар”нинг лирик жиҳати жуда кучли. Отабек ва Кумушнинг муҳаббати бутун халқни ларзага солади. Бу ишқ-муҳаббат қайсидир маънода миллий руҳнинг тамали сифатида қабул қилинади ва “Ўткан кунлар” бир кураш романига айланади. Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта”, “Отелло” асарларидан қолишмайдиган ўткир асар – “Ўткан кунлар”ни севиб, баъзан эса йиғлаб, кўз ёши тўкиб, баъзан бир ҳаёт сабоғи сифатида ўқигандим. Асарнинг бош қаҳрамони Кумуш ўз отаси ва турмуш ўртоғини ўлимдан қутқариш учун тинмай уринган, далил-исботлар тўплаб юксак мақомларга мурожаат қилиб, уларнинг ҳаётларини сақлаб қолишга муваффақ бўлган зукко, юксак маданиятли, ўқимишли ўзбек аёли образидир. Аммо қайнонасининг истаги билан олинган кундошига қарши чиқмайди. Хизматкор Ҳасаналига ёши ва тажрибаси, оиласига бўлган садоқатли хизмати учун кўрсатган ҳурмат-эҳтироми эса миллий маданиятимизнинг акс этиши, ҳаммамиз учун бир сабоқ эди. Тошкентдаги ички низолар, Марғилондаги сарой интригалари ва маҳкамалар эса XIX–XX асрларда

Туркистондаги сиёсий-ижтимоий вазиятнинг рамзий саҳналари эди”³. Турк олимпининг ушбу сўзларидан ўзбек романининг турк китобхони қалбидан қанчалик чуқур ўрин олгани, бунинг асосий воситаси бадиий таржима эканлигига амин бўламиз.

“Ўткан кунлар” романининг туркча таржимасида миллийликнинг хос сўзлар воситасида берилиши. Ҳар қандай асарнинг миллий ўзгачалигини намоён этувчи унсурлардан бири хос сўз (реалия)лардир. Уларнинг бадиий таржимада берилиши билан боғлиқ муаммолар ҳали тўла ечимини топмаган. Хусусан, ўзбек адабиёти намуналарини хорижий тилларга таржима қилиш жараёнида бундай сўзларнинг берилиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Ушбу тадқиқотда янги “Аср ошган асарлар” ва “XX аср ўзбек романи” туркумларига кирган энг сара асарлардан бири, ўзбек насрининг ёрқин намунаси, Абдулла Қодирийнинг замон синовларига дош берган “Ўткан кунлар” романининг асосий манба сифатида олиниши бежиз эмас. Чунки XX асрда яратилган ўзбек адабиёти намуналарининг ҳеч бирида миллий хос сўзлар бунчалик йирик ҳажм ва қамровда қўлланилмаган. Таъбир жоиз бўлса, мазкур романи “ўзбек реалиялари галереяси” деб аташ мумкин.

А. Қодирийнинг инсон психологиясининг илғаш қийин бўлган ўта нозик жиҳатлари, ҳаёт, инсон қалбидаги энг нозик туйғуларни чуқур ҳис этган ҳолда, сўз воситасида ифода қилиш олувчи санъаткор эканлиги ҳақли равишда эътироф этилган. Унинг абадий жонли образлари, асардаги жумлаларнинг оҳанги, ҳаётбахшлиги ўзбек тилининг қудратини намоён этган бўлса, бу нарса таржимонлар ишини қийинлаштирган. Чунки Қодирий таржимони асарни тўлақонли қайта яратиш учун муаллифга тенг қобилият ва истеъдодга эга бўлиши керак эди. Ҳатто, аслият тилини мукамал билиш, муаллиф

¹ www.edebi.net

² www.edebi.net

³ www.edebi.net



мансуб бўлган халқнинг миллий ўзгачалиги, урф-одатларидан яхши хабардорлик ҳам таржиманинг мукамал бўлишига кафолат бўла олмайди. Бунга асар таржимасини тадқиқ этар экан, кўп бора амин бўлдик.

Хос сўзлар таҳлиliga киришишдан олдин олимларнинг ушбу сўзларга берган таърифларига тўхталиб ўтиш керак. Чунончи, таржимашунос олим Қ. Мусаев хос сўзларга “Халқлар турмуш тушунчаларини англатадиган лисоний воситалар хос сўзлар дейилади. Муайян бир халқ, миллат ва элатга хос тушунча, нарса ва ходисаларни акс эттирадиган лисоний воситалар бадиий асарнинг миллий хусусиятини белгилайдиган асосий воситалардан ҳисобланади”¹ дея таъриф беради. Дарҳақиқат, хос сўз (реалия)лар таржимондан алоҳида ёндашувни талаб этади. Уларни асардаги мингларча сўз орасидан алоҳида ажратиб олиш ва оддий йўл билан бошқа тилга ўгириш мумкин эмас.

“Ўткан кунлар” романи қахрамонларининг исмлари, унвон ва тахаллуслар (Юсуфбек ҳожи, Мирзакарим қутидор, Ўзбек ойим, Нигор ойим, Зиё шоҳичи, бек-ака, табиб, бача), жўғрофий хос сўзлар, макон-жой номлари (Эски Жўва, Бекларбеги, карвонсарой, меҳмонхона, хужра, зиндон), этнографик ва маиший реалиялар, миллий либос, тақинчоқларнинг номлари, уй-жой, жиҳоз, идиш-товоқ, таом ва ичимлик номлари (сарпа, сандал, дастурхон, қумғон, пиёла, кўрпача, ичиги) ва бошқа шунга ўхшаш тушунчалар (қорачопонлар, қипчоқлар) Қодирий асарининг миллий ўзгачалигини намоён этади. Чунки реалиялар ҳар доим табиий сўз яратувчилиги йўли билан юзага келган, асосан, халқ маиший турмуши билан чамбарчас боғлиқ халқона сўзлардир.

Хос сўзларнинг туркча таржимада қанчалик ишончли акс этганлигига эътибор қаратамиз: *Юсуфбек ҳожи – Наси Yusufbey*,

Мирзакарим қутидор – Mirza Kerim kutudâr, Ўзбек ойим – Özbek Ayım (Özbek Hanım), Эски Жўва – Eski Cova, Бекларбеги – Beylerbeyi, карвонсарой – kervansaray, чопон – çapan, чимилдиқ – çimildik², қорачопон(лар) – Kara Çapan каби. Бундай сўз ва тушунчалар ўзбек тилига хос реалиялар бўлишдан ташқари, улардан кўпчилигининг турк тилидаги муқобиллари келиб чиқиш нуқтаи назаридан иккала тилда бир хил шаклга эга. Бунинг асосий сабаби эса ўзбек ва турк тилларининг айна тил оиласига мансублигидир.

Фонетик ва морфологик жиҳатдан туркий сўз эканлиги сезилиб турган “*чимилдиқ*” сўзи қатнашган куйидаги ўзбекча жумла ва унинг туркча таржимасини таҳлил қилиб кўрайлик: “*Офтоб ойимни юпатиш учун ўткан-кеткандан ва бошқа йиғлаб эрга теккан қизларнинг чимилдиқда йиғит билан апоқ-чапоқ бўлишиб кетканларидан ҳикоя қилди*” [К, 2012, 52]. Таржимаси: “*Aftab Ayım'ı teselli etmek için geçmiş günlerde önceleri ağlayıp sızlayan kızların çimildikte oğlanla buluştuktan sonra gönüllerinin olduğunu anlattı*” [К, 2005, 59]. Ўзбекча “*чимилдиқ*” сўзи туркча таржима матнида ҳаволага туширилиб, “*zifaf çadırı*” (никоҳ чодири) дея изоҳланган. Ҳолбуки, туркларда никоҳ ўқилган хонанинг келин-куёв тўшаги солинган ва парда (чимилдиқ) тутилган қисми “*gerdek*” дейилади. “*Zifaf çadırı*” бирикмаси таркибидаги “*zifaf*” сўзининг луғавий маъноси “никоҳ”дир (*zifaf gecesi* ёки *leylei zifaf* – никоҳ кечаси) [ТS, 1998]. Ушбу сўзнинг яна бир синоними *hacle, haclegâhdир (haclegâhe girmek – чимилдиққа кирмоқ)*. Шу боис туркча таржимада ушбу сўзни “*gerdek*”³ деб ўгириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Энди куйидаги парчага эътибор қаратамиз:

² Турк тилининг сингармонизм қонунига кўра ушбу сўзни *çimildik* эмас, *çimildık* шаклида бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

³ Турк тилининг изоҳли луғатида *gerdek* сўзига куйидагича изоҳ берилади: “келин-куёв учун маҳсус бўлма, хона; келиннинг хонаси, никоҳ хонаси”.

¹ Мусаев Қ., Таржима назарияси асослари, дарслик, Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти, 2005. –Б. 89.



– Мен сенга айтиб қўяй, Кумуш, – деди турар экан қутидор Офтоб ойимга, – бу кунга бир меҳмон айткан эдим. Чўрингни чиқариб, меҳмонхонани тозалат. Анови янги қоплаган кўрпаларингни бер, танчага ўшани ёпсин. Катта гиламни ҳам чиқар, уйингда меваларинг бор эдими? – Бор. – Бор бўлса яхши. Бироздан сўнг эт олиб киргузарман, варақи пишириб қўйингиз [Қ, 2012, 29].

Ушбу диалогда қутидор Офтоб ойимга қизларининг исмини айтиб – “Кумуш” дея мурожаат қилганини кўрамиз. Фикримизни давом эттиришдан олдин парчанинг турк тилига қилинган таржимасига эътибор берамиз:

– *Ben sana sonra anlatırım, Gümüş!* – dedi babası Aftab Ayım'a bakarak. – *Bugün bir misafirimiz olacak. Hizmetçiyi gönderip misafirhaneyi temizlet. O yeni kapladığın minderleri ver, tenceye onları yaysin. Büyük halıyı da çıkar! Evde meyve var mı? – Var! – Mesele yok. Biraz sonra ben et alıp gönderirim. Samsa pişirin!* [Қ, 2005, 35-36].

Қутидор (Мирзакарим), ойим (Офтоб), чўри, кўрна, танча, варақи каби бир нечта хос сўз қўлланган мазкур диалогда таржимон ўзбекларда эрнинг хотинини бош фарзанди (бу ерда: Кумуш) номи билан чақиришига эътибор бермаган. Шунингдек, *kutudâr* ўрнига ҳам нимагадир “*babası*” (“отаси”) сўзини ноўрин қўллаган. Ёки, (Офтоб) “*ойим*” – (Aftab) *Ayım* деб (кўп ўринларда “*Aftab Hanım*” деб) берилган. Аслида, “*Aftab Hanım*” маъқул эди, чунки ўзбекча “*ayım*” сўзи бир “алдоқчи сўз” сифатида турк китобхонини чалғитиши мумкин (*ay* – *ой*).

Шунингдек, таржимада “*танча*” сўзи “*tence*” деб берилиб, ўзбекча хос сўз сақлаб қолинган. Бироқ, “*кўрна*” сўзи “*minder*” деб ўгирилган. Ҳолбуки, “*кўрна*”нинг туркчаси “*yorgan*”дир. “*Minder*” деганда турк тилида ҳар қандай матрац тури, баъзи ҳолларда *кўрпача* англашилади. Бир жиҳатдан олиб қараганда, *кўрна* ҳам, *minder* ҳам қўлланиш мақсади деярли бир хил буюмлар (кўрпатўшак) бўлса-да, таржимон “*кўрна*”ни бир

хос сўз сифатида таржима қилмасдан қолдириб, ҳаволада изоҳласа ёки, ҳеч бўлмаганда, *yorgan* деб ўгирса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Турк китобхони “*minder*” деганда ўзбеклар танчага соладиган катта “*кўрна*”ни эмас, “*matрас*”ни тушунади. Бундан ташқари, “меҳмонхона”ни “*misafir odası*” деб, “*варақи*”ни “*samsa*” деб эмас, “*börek*” деб бергани маъқул эди. Чунки туркчада “*варақи*”, “*samsa*” сўзлари йўқ. Туркларда бундай турдаги пишириқлар умумий қилиб “*börek*” дейилади (ўзбек тилининг шеваларида қўлланилаётган “барак” сўзи ҳозирги турк тилидаги “*börek*” сўзи билан келиб чиқиш жиҳатидан бир хил бўлиши мумкин: “тухум барак”, “кўтир барак”, “ялпиз барак” каби). Ҳатто, ҳозирги рус тилидаги “чебурек” сўзи ҳам бир пишириқ тури бўлганлиги билан туркча “*börek*” сўзи билан айни манбага оид бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Шу ўринда таржимашунос Қ. Мусаевнинг “...таржима амалиётида ҳанузгача йўл қўйиб келинаётган хато ва камчиликларнинг кўпчилиги таржимада миллий хусусиятни тиклаш билан боғлиқ бўлиб, бу масала ҳанузгача ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан қониқарли даражада ҳал қилинган эмас” – деган сўзларини унутмаслик керак¹. “Ўз-ўзидан маълумки, муайян халқ турмуш тарзини ифода этадиган сўзларгина бундай тушунчаларга эга бўлмаган халқлар тилларига бетаржима – аслиятдаги шаклида ўтказилади, шу тариқа таржимада муаллиф матнининг миллий бўёғи адекват талқин этилади. Масалан, *тахмон*, *хуржун*, *палов*, *кетмон*, *паранжи*, *суна* каби ўзбеклар турмуш тарзигагина хос ифода воситаларини бундай тушунчаларни англадиган лисоний бирликларга эга бўлмаган инглиз ва рус халқлари тилларига қилинган ўгирмаларда айнан (бетаржима) келтириш аслиятнинг миллий хусусиятини сақлаб қолиш

¹ Мусаев Қ., Таржима назарияси асослари, дарслик, Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти, 2005. – Б. 90.



билан бирга, таржима тиллари луғат таркиби кенгайиши учун замин яратиш имкониятини беради”¹. Демак, ўзбек адабиёти намуналарини турк тилига ўгириш жараёнида хос сўзларнинг таржима матнида сақлаб қолиниши туркча жонли нутқда қўлланилмай қолган кўпгина сўзларнинг қайта тикланиши ва замонавий тил луғат бойлигининг янада бойишига замин бўлади. Олимнинг “муайян халқ турмуш тарзини ифода этадиган сўзларгина бундай тушунчаларга эга бўлмаган халқлар тилларига бетаржима – аслиятдаги шаклида ўтказилади” деган сўзлари инобатга олинса, юқорида келтирилган парчада қўлланилган “*меҳмонхона*” сўзини “*misafir odasi*” деб, “*кўрпа*” сўзини эса “*yorgan*” деб ўгириш тўғри бўларди.

Аниқ тушунча, предмет ёки ҳодисани ифодаловчи термин ва реалиялар муайян тарихий давр билан чегараланган бир маъноли, синонимликдан маҳрум, кўпинча, халқаро лексикага оид сўзлар сифатида бирибирига жуда ўхшаса-да, улар орасида кескин фарқ борлиги англашилиб туради. С. Влахов ва С. Флоринлар бу хусусда шундай дейдилар: “Реалиялар ҳар доим муайян бир халқ, яъни ўша тилда сўзловчи кишиларга тегишли бўлади. Бошқа тилларга “*меҳмон*” сифатида кириб боради. Баъзан бир кунлик, баъзан эса бир йиллик *меҳмон*... Аммо айрим ҳолларда шунчалик жойлашиб, ўрнашиб кетадики, ўзи кирган тилни ё бойитади ёки у тилни “ифлослантириб”, мустаҳкам ўрнашиб қолиши мумкин”².

Турк таржимони персонажларнинг лақабларини бериш масаласига ҳам жиддий ёндашади. Масалан: “*Яқиндагина Мусулмон Чўлоқнинг базими шу Азиз бачча билан қизир эди...*” [К, 2012, 14] жумласидаги “*чўлоқ*” сўзи (лақаб) хос сўз сифатида берилган: “*Şu*

yakınlara kadar çolak Müslüman'ın bezmi fitil Aziz ile iyi uyuyuyordu...” [К, 2005, 20]. Таржимон “*çolak*” сўзини *Müslüman* исмидан олдин қўйган ва персонажнинг бир сифати (нуксон) ўлароқ талкин қилган. Агар бу сўзга ҳаволада изоҳ берилса, тўғри иш тутилган бўлар эди. Чунки ҳозирги турк тилида “*çolak*” сўзи “оёғи чўлоқ” маъносида эмас, “қўли майиб” маъносига эга.

Бадий таржимада, хусусан, ўзаро яқин тиллар орасида таржима амалга оширилаётганда, хос сўзларнинг сохта эквивалент бўлиб чиқмаслигига алоҳида эътибор бериш керак: “*Тошкент беги ёнида мушовир сифати билан турадилар*” [К, 2012, 14]. Ушбу жумла турк тилига жуда ишончли ўгирилган. Жумладаги *бек* хос сўзи туркча матнда *bey* шаклида тўғри берилган (“*Taşkent beyinin yanında müşavir olarak görev yapıyorlar*” [К, 2005, 19]). Аммо “*бек*” ва “*ҳоким*” (Азизбекнинг унвони) реалияларини ўгириш чоғида айрим ўринларда етарли эътибор берилмаганини ҳам кўриш мумкин. Масалан: “*Ҳокимингиз жуда золим эмиш, бу тўғри сўзми?*” [К, 2012, 14] – “*Beyiniz çok zalimmiş, doğru mu?*” [К, 2005, 20]. Ёки, яна бир мисол: “*Азизбек бу кунда Тошкандга ҳокимдир?*” [К, 2012, 14] – “*Şu günlerde Taşkent'in hâkimi Azizbey midir?*” [К, 2005, 20].

Таржимон биринчи ҳолатда “*ҳоким*” сўзини “*bey*” шаклида ўгириб, аслиятдаги тушунчани тўғри ифодалай олган, аммо кейинги жумлада “*ҳоким*” сўзини “*hâkim*” шаклида берган. Ҳолбуки, ҳозирги туркчада “*hâkim*” сўзи “қози” (судья) маъносида қўлланади. “Шаҳар ҳокими” ҳозирги туркчада “*vali*” дейилади [TS, 1998]. Бу ерда таржимон сохта эквивалентга дуч келган.

Бундан ташқари, турк таржимони баъзи ўринларда сўзларнинг тарихий хусусиятларига унчалик эътибор қилмаган. Бун таржима матнида учрайдиган “*sempatik*” (S.12), “*atmosfer*” (S.14), “*gram*” (S.16), “*despot*”, “*diktatör*” (S.20; 24; 40), “*salyangoz*” (S.23), “*normal*” (S.40), “*blüz*” (S.60), “*parfüm*”

¹ Ўша манба. – Б. 95.

² Влахов С., Флорин С. (Болгария), Непереводимые в переводе (реалии), статья, Мастерство перевода, 1969. Сборник шестой, Советский писатель. –Москва, 1970. 592 с., с.434.



(S.60), “rol” (S.63) каби ҳозирги замон турк тилида истеъмолда бўлган европача сўзларнинг қўлланганлигида кўриш мумкин. Масалан, “*Зиё ака ўйлаб қолди. Қизиқ гап, деб бир-икки қайта нос отиб олди. Бу орада Ҳасанали бошдан-оёқ ҳикояни сўзлаб чиқди*” [К, 2012, 40] жумласини турк тилида “*İpekçi Ziya, bir süre kendi kendine düşündü ve “enteresan bir iş!” diyerek konuyu enine boyuna ölçüp biçti*” [К, 2005, 46] шаклида берар экан, Зиё ипакчининг XIX асрда “*enteresan bir iş!*” деб ўйланиб қолиши мумкин эмас эди, чунки “*enteresan*” сўзи туркча нутқда сўнгги йилларда пайдо бўлган. Қолаверса, таржимон Зиё ипакчининг “*бир-икки қайта нос отиб олган*” лигига ҳам эътибор бермаган кўринади.

Бунга ўхшаш ҳолатга Зайнаб Кумушни заҳарлаганда чақирилган табиб муолажаси саҳнасида ҳам дуч келиш мумкин: “*Бор! – деди Отабек ва боя онаси кўрсаткан жойдан косани олиб, табиб қўлига берди. Табиб косадан бармоғига бир оз элашдириб ялади ва даррав туфлаб ташлади: – Заҳар ичибми!..*” [К, 2005, 376]. Ушбу жумла турк тилида “*Arttı! – dedi Atabey ve biraz önce anasının gösterdiği yerdeki kâseyi alıp doktora uzattı. Doktor kâseden parmak ucuyla az bir şey alıp dilinin ucuna götürdü ve hemen tükürüp geri çıkarttı: – Zehir içmiş!..*” [К, 2005, 398] шаклида ўгирилган. Таржимон ўз тилида “*tabip*”, “*hekim*” сингари муқобиллари бўлган “табиб” сўзи ўрнига замонавий “*doktor*” сўзини қўллаган.

Аҳсан Батур ўзбек халқининг ўзига хослигини ифодалаш усулларида бири бўлган миллий таомлар номини таржимада сақлаган ҳолда, аслиятнинг миллий бўёғини ўз тилида қайта яратишга муваффақ бўлган: “*Кечадан бери ичига иссиғ киргани йўқ. Зайнабка айтай сутлик атала қилиб берсин, – деди*” [К, 2012, 374]. Таржимаси: “*Akşamdan beri bir lokma sıcak bir şey düşmedi midesine. Zeynep’e söyleyeyim atala hazırlayıp getirsin, – dedi*” [К, 2005, 395]. Ўзбекча “атала” сўзи туркча

таржимада хос сўз сифатида берилган, лекин ҳаволага олиниб, изоҳланмаган, эндигина кўзи ёриган аёлларга бериладиган “атала” таомининг ўзига хослиги таъкидланмаган. Жумланинг русчага қилинган таржимаси билан қиёсланса, бу ерда вазият сал бошқача: “*Со вчерашнего дня, – сказала Узбек-аим, – ничего горячего в рот не брала. Пойду, скажу Зайнаб, чтобы сварила молочную аталу*” [К, 2009, 409]. Ўзбекча “атала” сўзи русча таржимада ҳаволага олиниб, қуйидагича изоҳланган: “*мучная похлебка, болтушка. Издавна её специально готовят для рожницы. Считается, что атала обволакивает ткани матки и способствует ее скорейшему сокращению и заживлению, а также придает силы молодой матери*”. Таржимон ушбу сўзни “мучная похлебка” ёки “болтушка” деб бериши мумкин эди. У ҳолда аталанинг ўзига хослиги таъкидланмай, русларнинг оддий “суп”и (шўрваси)га айланиб қолган бўлар эди.

Либос номлари – хос сўз сифатида. Таржимада реалия сифатида намоён бўлувчи сўзлардан яна бир гуруҳи кийим-кечак номларидир. Таржимон аслият тилида сўзловчи халқнинг ўзига хос либос ва пойафзал турларини яхши билиши ва уларни ўгиришда пухта бўлиши керак. Масалан, турк тилида ўзбекча “чопон” сўзига мос, унинг ўрнини тўла боса оладиган сўз қўлланилмайди: “*Кўйнакчан эгнига чопонини ёпиниб, ўрнидан турди, ҳужрадан чиқиб, Отабек даричаси остига яна келиб ўлтурди*” [К, 2012, 23]. Турк таржимони “чопон”ни бир хос сўз сифатида таржимада сақлаган (çapan): “*Sirtında sadece bir gömlek vardı. Çapanını sırtına giyip ayağa kalktı ve yine Atabey’in odasının penceresi altına oturdu*” [К, 2005, 29]. “Çapan” сўзи романда кўп марта қўлланилади: “*Мен буларни сиз қора чопон фуқаром томонидан ўч учун ўлдирдим..*” [К, 2012, 23]. Таржимаси: “*Ben, bunları siz Kara Çapan halkımın intikamını almak için öldürdüm!..*” [К, 2005, 41]. Аҳсан



Батур “*çarap*” (чопон) сўзини алоҳида олиб, унинг ўзбекларда қандай либос эканини изоҳламайди, бироқ китобнинг сўнгги саҳифаларида “*Kara Çarap*” (“қорачопонлар”) ўзбекларга берилган ном, дея изоҳ беради.

Ҳозирги турк китобхони контекстга кўра “*çarap*”нинг нима эканлигини тахмин қилса-да, бу либос ҳақида етарли тасаввурга эга эмас. Асл туркий ҳисобланган “*çarap*” ва “*don*” сўзларининг “келиб чиқиш нуқтаи назаридан олимлар диққатини ўзига жалб қилиб келаётган муҳим хос сўзлар”¹ эканлигини таъкидлаган Ш. Усмонова “чопон” сўзининг туркий тилларда устки кийим, “тўн”нинг эса “олтой даврларида ички кийим, қадимги туркий тилда кийим, эски туркий тилда кийим, кўйлак маъносида, ҳозирги замон туркий тилларининг аксариятида “*ton*”нинг “уст кийим тури”, ҳозирги турк тилида “ички кийим”, “калта иштон”, баъзан “калта шим” ва “шалвар” маъносида қўлланилаётганига алоҳида урғу беради².

Шу ўринда Ў. Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссаси ва унинг туркча таржимасида ҳам “чопон” сўзи учрашига эътибор қаратмоқчимиз: “*Бизниям бошимизда ўзимизга яраша таиши бор, – чопонли киши болага имо қилди*” [НО⁴, 119]. Туркча таржимаси: “*Çoranlı adam çocuğu göstererek: – Bizim de kendi derdimiz var, – dedi*” [НӨ, 129]. Таржимон “чопон” сўзини “*çoran*” деб ўғираар экан (А. Батур таржималарида турк тили фонетикасига уйғун шаклда “*çarap*” деб берилади), хос сўзга изоҳ бермайди. Шунингдек, “тўн” сўзи иштирок этган “*Беқасам тўнли киши ойим билан қуюқ сўрашди*” [НО⁴, 104] жумласини ҳам “*Pardösülü adam annemle samimi, uzun uzadıya hal hatır sordu*” [НӨ, 115] шаклида таржима қилиб, “беқасам тўн”ни плашга айлантириб кўяди (мазмун: *Плаш кийган одам ойим билан самимий, узоқ ҳол-аҳвол сўрашди*).

¹ Усмонова Ш., Олтой тилларида муштарак маиший лексика. – Т.: ЎзР ФА “Фан” нашриёти, 2010. – Б. 125-126.

² Ўша манба. – Б. 129.

“Ўткан кунлар”даги маиший реалиялар, уй жиҳозлари номлари орасида кўп учрайдиган яна бир туркий хос сўз “сандал” бўлиб, ушбу сўз ўзининг мураккаб келиб чиқиши билан таржимашуносларнинг диққатини жалб этиб келган³. Таржимон “сандал” (“танча”) сўзини туркча таржимада “*tence*” деб берса-да, баъзи ўринларда “*настак диван*” маъносидаги “*makat*” сўзи воситасида ўғиради: “*Кумушбиби онаси билан бибисининг уйдан чиқишлари ила бошини сандалнинг кўрпасига буркаб, ётиб олди*” [К, 2012, 49]. Таржимаси: “*Gümüüş Bibi annesi ile ninesinin dışarı çıktığını görünce başını makatın yastığına koyup uzandı*” [К, 2005, 57]. Бу билан асл жумла рангсизлашади (“*бошини сандалнинг кўрпасига буркаб*” бирикмаси туркчада “*бошини диваннинг ёстиғига кўйиб*” деб берилади). Бу ерда ҳам ўзбек халқининг маиший турмушига хос реалиялардан бири ҳисобланган “сандал” ва унинг шевадаги “танча” шаклини Ў. Ҳошимов асари туркча таржимасида қўлланилган шакли билан қиёслашимиз мумкин: “*Еттинчи лампанинг пилиги пасайтириб қўйилган, уй ичини танчадан чиққан кўмир ҳиди, лампача ҳиди тутган...*” [НО⁴, 13]. Турк таржимони Моҳир Унлу “танча”ни “*yer sobası*” (ер печкаси) деб ўғиради: “*Yedi numara gaz lambasının fitili kısılmış, evin içini yer sobasından çıkan kömür kokusuyla, lambadaki gaz yağının kokusu sarmıştı...*” [НӨ, 24]. Ёки: “*Қиши кечалари сандалга тиқилиб ётарканман, ялинаман*” [НО⁴, 24] жумласининг таржимаси: “*Kış geceleri yer sobasına gözlerimi dikip yatarken anneme yalvarıyordum*” [НӨ, 23] шаклида берилган. Бундан ташқари, М. Унлу баъзи ўринларда ишга ижодий ёндашмоқчи бўлиб, “танча” сўзи қўлланган гапни изоҳли таржима қилади: “*Танчага оёқ тиққан билан бефойда...*” [НО⁴, 83] (“*Evin toprak tabanındaki sandal dediğimiz kömür yaktığımız yer de işe yara-*

³ Ўша манба. – Б. 90-91.



miyordu” [НӖ, 24]). Туркча таржиманинг мазмуни тахминан шундай: “Уйнинг тупроқ полидаги сандал деганимиз кўмир ёқилдиган (чуқур) жойнинг ҳам ҳеч қандай фойдаси йўқ эди”.


Хулоса. Хос сўзлар, Қ. Мусаевнинг фикрига кўра, “миллийлик хусусиятини ҳам ўзида мужассам этган тилнинг луғат таркиби ўзи мансуб бўлган тил жамоасининг моддий-ижтимоий ҳаётини, чунончи, миллий урф-одат ва анъаналарини, географик тасаввурини, маънавияти, дунёқараши, диний эътиқоди, ахлоқий меъёрларини, тафаккур йўналишини моддий акс эттиради”¹.

Таржимашунос олим Н. К. Гарбовский хос сўзларга “аслият тили маданиятида мавжуд бўлиб, таржима тили маданиятида учрамайдиган сўзлар” дея таъриф берар экан, “Мослаштириш (адаптация) – хос сўзларни ўгиришнинг ягона йўли эмаслиги, таржима амалиётида хос сўзларни ўгиришнинг бошқа трансформация усуллари ҳам мавжуд бўлиб, бундай сўзларни мослаштириш (адаптация) усулида ўгириш бошқа маданият ҳақидаги тасаввурларнинг ғализлашувига ҳам олиб келиши мумкинлиги”ни алоҳида таъкидлайди².

Реалиялар, қандай бўлмасин, китобхон томонидан бу сўзни ўраб турган контекст ичида қабул қилинмоғи керак. Шу ўринда, машхур “реалиячи” олимлар: С. Влахов ва С. Флоринларнинг қуйидаги сўзларини келтиришни маъқул топдик: “Реалия – юксак санъат асарига тенг, моҳирона ясалган мозайка ичидаги энг ёрқин, энг қимматбаҳо тошча сингари қабул қилиниши, англаниши керак. Албатта, бу тошчанинг порлоқлиги ва ўзгачалиги алоҳида кўзга ташланмаса, фақат бутун асарга ўзига хос миллийлик, ҳаққонийлик бахш этиб турса, нур устига аъло нур бўлади. Таржимон маҳоратига келинса,

у ҳам аслият муаллифи сингари, ўз она тилининг яратувчиси ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, у ҳам ўз тилининг соф ва бой бўлиши учун масъулдир. Бундай шараф ва масъулият реалиялар билан иш кўрадиган таржимон ишида ҳам рағбат, ҳам тўғанок бўлишини истардик”³.

Хулоса қилиб айтганда, аслиятдаги миллий хос сўзларнинг таржимада қайта яратилиши ҳар доим таржимашуносликнинг муаммоли масалаларидан бўлиб келган ва бу давом этмоқда. Шу билан бирга, ушбу сўзлар таржимонларни турли йўллардан боришга, яъни бирининг хос сўзни таржима қилишга, бошқасининг эса сўзни транслитерация йўли билан бериб, ҳаволада изоҳлашга мажбур қилган. Шундан келиб чиқиб, миллий хос сўзлар таржимасини жиддий муаммо сифатида баҳолаш ва бу соҳадаги илмий тадқиқотларни давом эттириш керак бўлади.



¹ Мусаев Қ., Таржима назарияси асослари, дарслик, Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти, 2005. – Б. 89.

² Гарбовский Н. К., Теория перевода. –Т.: Издательство Московского университета, 2007. – С. 483.

³ Влахов С., Флорин С. (Болгария), Непереводимые в переводе (реалии), статья, Мастерство перевода, 1969. Сборник шестой, Советский писатель. – Москва, 1970. – 592 с., с.456.